



## Ассалому алайкум, азиз болажонлар!

“Экология хабарномаси” журнали таҳририяти томонидан сизлар учун янги йил совғаси тайёрланди. Мазкур тухфа – “Экология хабарномаси” журналининг янги “Ёш эколог” иловаси, сизлар 2007 йил давомида у билан танишиб борасиз. Ушбу илова сиз учун нафақат экологик билимлар ҳақида маълумот беради, балки қизиқарли хикоялар ва ақлни чархловчи ўйинлар орқали она табиатга бўлган муҳаббатингизни янада орттиради.


Хўш, бизга экологик билимлар нимага керак ва “экология” сўзи нимани англатади?

“Экология” – юнунча сўз бўлиб, уй тўғрисидаги фан маъносини билдиради. Бу ерда, уй деганда нафақат яшаб турган манзилимиз, балки барчамиз учун ягона бўлган она сайёрамизни англашимиз зарур. Яъни, экология – табиатимиз, унинг бир қисми бўлган инсон, барча жонзотлар ва биосфера тўғрисидаги фандир. Экология – бу барча организмлар ўзаро ва айни пайтда атроф-муҳит билан узвий таъсирда бўлиши, сув ва ҳаво, ерости ва ерусти унсурлари каби тирик ва жонсиз моддаларнинг ўзаро узвийлигидан ҳаёт яралиши тўғрисидаги фандир.

Энди эса, бизга экологик билимлар нима учун керак, саволига тўхталсак.

Биринчи навбатда, атроф-муҳитга эътиборсиз бўлмай, унга тўғри муносабатни уйимиздан бошлаш учун керак. Табиат бойликлари беҳисоб эмас, улардан оқилона фойдаланишни ўрганишимиз керак. Биз табиатнинг “Менга ёрдам беринглари ва мендан сизларга албатта яхшилик қайтади”, деган ташвишли илтижосини эшитишни истамаймиз. Экологик билимлар тоза сувнинг ҳақиқий қадрини, табиатга инсоният томонидан етказилган зарарлар қандай фожео-ларга олиб келишини ҳар биримиз англаб етишимиз учун керак. Экологик билимлар сизларга кундалик ҳаётингизда, жумладан, уйни озода тутишда, ҳовлиларни кўкаламзорлаштиришда, мактабда, дам олишда, қўйинки барча ерда керак бўлади. Фақат экология фани қандай ўсимликлар хонадонингизда микроклим яратиши, ҳаво ва сув ифлосланиши сизнинг соғлигингизга қандай таъсир кўрсатишини тушунтириб бера олади. Экология хавфсизлиги “озон туйнуклари”, “кислотали ёмғирлар” нималигини тушунтиради.

Умид қиламизки, мазкур “Ёш эколог” сиз учун қизиқарли бўлади ва барчамиз учун қадрли бўлган она табиат сирларини очишда ёрдам беради.



## Дорогие дети!

Редакция журнала “Экологический вестник” подготовила для вас новогодний подарок. Этот подарок – новое приложение к журналу “Экологический вестник” и называется он “Юный эколог”, с которым вы будете знакомиться в течение всего 2007 года. Это приложение будет не только публиковать



информацию об экологических знаниях, но также и постарается развлечь вас занимательными рассказами и интересными играми.

Итак, для чего нам нужны знания по экологии и что означает само слово “экология”?

По-гречески слово “экос” – означает “дом”, а “логос” – означает “наука”. То есть, “экология” – это наука о доме, о месте жительства. Наука о доме – для мыши и журавля, для червя и бабочки, для сосны и ландыша. Дом этот очень большой: вся Земля является домом для существ, на ней живущих. И наш вестник посвящен одной теме: как законы экологии работают внутри живой природы и во взаимодействиях человека с природой. Что можно и нужно, а что нельзя и опасно делать в нашем большом доме под названием Земля.

А теперь к вопросу о том, для чего нам нужны знания по экологии.

С одной стороны, экология – наука очень простая по замыслу и методам, с другой – безумно сложная, поскольку старается понять взаимоотношения между бесчисленными, находящимися в постоянном движении и развитии существами. Экология, экологический подход касается всего и вся. Вскрывая связи между предметами и явлениями живой и неживой природы, между природой и человеком, экология позволяет обнаружить скрытые пружины, истинные причины происходящего. Это исключительно важно, потому что, зная правила и законы природы, можно их использовать на благо человека. Можно, развивая промышленность, обеспечивая людей всем необходимым, вместе с тем сохранять природу, помогать ей нести тяжелую ношу, имя которой – человечество.

Мы искренне надеемся, что “Юный эколог” не только будет интересным изданием, но также и поможет вам немного приоткрыть тайны матушки природы, которую мы все любим.

# Ҳайвонот бозари

## Қундуз

Азиз ўқувчилар, барчангиз “Қундуз бобонинг эртаклари” мультфилмини севиб томоша қилгандирсиз. Қундуз ўзи қандай жонивор? Келинг, у ҳақида билиб оламиз.

Табиат қўйнида сайр пайтида дарё қирғоқларининг овлоқ жойларида балки йирик балиқларнинг қолдиқларини учратгандирсиз. Бу қундуз зиёфатининг асоратларидандир. Лекин унинг ўзини топишга беҳуда уринманг. Қундуз кунлари қундуз дарё бўйидаги ўз инида беркиниб ётади. Агар уни кўришни жуда истасангиз, тунда дарё бўйига келиб, сабр билан кутишингизга тўғри келади.



Қундузлар қуруқликка деярли чиқмайдилар, чунки бу ерда улар бесўнақай ва ожиздирлар. Сувда эса тез ва чаққондирлар. Уларнинг калта оёқлари, бармоқлари орасидаги пардалар ҳисобига, жуда яхши эшкак вазифасини бажарадилар; қуруқликда халақит берувчи узун ясси думи эса сувда қулай бошқарув воситасидир. Жигарранг-кулранг юнг билан қопланган бақувват, эпчил бадани осонликча сувни кесиб ўтади, ҳатто энг тезкор балиқлар ҳам ундан қочиб қутула олмайдилар. Шундай бўлсада, қундузлар балиқлар кетидан қувлашни хуш кўрмайдилар ва ўз ўлжаларини пойлаб ётишни афзал кўрадилар. Қирғоқдан балиқлар галасини пайқаган қундуз (улар қоронғуда ҳам жуда яхши кўра оладилар) тезда сувга шўнғийди ҳамда сездирмасдан сузиб келиб, балиқлар ҳеч ҳам кутмаган тарафдан, пас-тдан ҳужум қилади. Майда балиқчаларни қундуз шу ернинг ўзидаёқ еб қўяди, йирикларини эса қирғоққа олиб чиқади.

Хозирги пайтда қундузлар йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган ҳайвонлардан бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Қизил Китобига киритилгандир.





# Ўсимликлар дунёси

Ўсимликларни эҳтиётлаш керак. Улар ҳаёти-мизни безайди, бизни озиқ-овқат билан таъминлайди. Ўсимликлар яхши ўсиши учун уларни парвариш қилиш: суғориш, чопиш, ерга ўғит солиш, бегона ўтларни ўташ, ҳосилини ўз вақтида йиғиб-териш олиш керак. Ўсимликлар одам соғлиғи учун зарур. Улар биз нафас оладиган ҳавони тозалайди, бизни қуёшнинг салбий таъсиридан, чангдан ҳимоя қилади.

Доривор ўсимликлар катта аҳамиятга эга. Улар далаларда, боғларда, экинзорларда, ўрмонларда ва тоғларда ўсади. Шунингдек, мевали дарахтлар ва буталар меваси таркибида витаминлар кўп бўлади. Бундан ташқари, ўт ўсимликларнинг барглари, гули ва мевасидан дори сифатида фойдаланилади. Келинг, атрофимиздаги доривор ўсимликлар билан танишишни бошласак.

## Редиска

Редиска энг қадимги сабзавот ўсимликларидан бири ҳисобланади. Қадимги дунё тарихчиси Геродотнинг берган маълумотларига қараганда, Мисрнинг Хеопс эҳромини қураётган ишчиларга (эрамиздан 2900 йил муқаддам) редиска, пиёз ҳамда саримсоқ бериб турилган экан. Бундан чиқди редисканинг маданийлаштирилганига камида 5 минг йил бўлган. Ҳозирда редиска дунёнинг кўпгина мамлакатларида кенг миқёсда экилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда шимолдан тортиб то жанубий туманларигача кўплаб етиштирилмоқда.



Редиска бошқа илдизмевали ўсимликларга нисбатан эрта пишарлиги билан ажралиб туради. Шу боисдан ҳам айна баҳор дамлари, киши организми витамин ҳамда микроэлементларга зориққан пайтда эрта пишар редискалар саломатлик учун фойдали бўлиб, аъзоларга мадор бағишлайди. Редиска таркибида С, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР каби витаминлар мавжуд. Шунингдек, редиска таркибида иштаҳани очишга ёрдам берувчи, юрак ишлаш фаолиятини яхшиловчи эфир мойлари ҳам бор.





# Растительный Мир



## Растения вокруг нас

Мы живём в мире огромного разнообразия растений и часто даже не подозреваем, насколько наша жизнь, здоровье и благополучие зависят от этого зелёного царства. Растения являются для нас источником пищи, топливом, поставщиком материала для строительства жилищ, изготовления предметов обихода, одежды, бумаги, косметики, лекарств и многого другого.

Благодаря растениям, экосистемы Земли выполняют такие важные функции, как усвоение энергии солнечного света, а также производство кислорода и органических веществ, которые необходимы для поддержания жизни животных и человека.

Есть ещё одно замечательное свойство растений. Являясь неотъемлемым звеном живой природы, они чутко реагируют на изменения окружающей среды и могут поведать нам много интересного о качестве окружающей среды.

В городах и зонах деятельности крупных промышленных предприятий, где экологическое равновесие, чаще всего, нарушено, растения своим внешним видом – формой, окраской, размером и т.п. – могут предупредить нас о негативных изменениях. Например, местность вокруг сурьмяных или ртутных заводов часто напоминает пустыню – растительность здесь практически отсутствует, что свидетельствует о крайне неблагоприятной экологической ситуации в данном районе.

## Зеленая аптечка

Среди зеленых спутников человека находится огромное количество лекарственных растений. Правда в последнее время мы всё больше полагаемся не на них, а на современные лекарственные препараты, выпускаемые фармацевтической промышленностью.

При этом, несмотря на все достоинства промышленных лекарственных средств, лечебные травы обладают рядом не менее ценных свойств.

Во первых, они являются богатейшей кладовой растительных масел, витаминов, минеральных солей, микроэлементов, кислот, фитонцидов и других ценных веществ.

Во-вторых, практика показывает, что лекарственные травы действуют “мягче” и переносятся легче, чем синтетические медикаменты, которые часто являются чужеродными для организма веществами. Травы дают меньше побочных эффектов, чем химиотерапевтические препараты. Лечение травами доступно каждому. Кроме того, продукция “Зеленой аптеки” не нуждается в обновлении, стоит дешевле синтетических медикаментов и надежно служит человеку веками

## Атроф-муҳит



*Майин ифор таралар  
Қарангиз дарахтзордан.  
Тоза ҳаво ҳамма вақт  
Соғлиққа берар ёрдам.*

### Биз нафас оладиган ҳаво

Инсон нафас оладиган ва чиқарадиган ҳаво таркиби нималардан иборат эканлигини биласизми?

Нафас оладиган ҳаво фоиз ҳисобида: 78,084 фоиз азот, 20,947 фоиз кислород, 0,327 фоиз карбонат ангидрид газидан иборат, нафас чиқарилганда эса азотнинг миқдори деярли ўзгармайди, кислород 15,8 фоиз, карбонат ангидрид эса 4 фоизни ташкил этади.

Бир марта нафас олиганда инсон ўпкасида камига 0,5 литр ҳаво тушади. Бир дақиқа давомида киши 14 мартагача нафас олади. Шундай қилиб, инсон бир суткада 10 минг литрга яқин ҳаво олади.

Энди эса, уйқудан олдин ётоқхонани қандай шамоллатиш лозимлигини билиб олишингиз мумкин. Бунинг учун хонанинг ҳажмини ҳисоблаб чиқишга тўғри келади.

Хонангиздаги ҳаво ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, балки ташқаридан – кўчадан киради. Кўчадаги ҳаво одатда чанг, зарарли газ ва микроорганизмлар билан ифлосланган бўлади.





Хонадаги ҳавони овқат пишириш пайти чиқарилган зарарли моддалар ҳам булғайди. Бундан ташқари, ўзимиз ва шунингдек, ёқимтой уй ҳайвонларимиз ҳам хона ҳавосини турли микроорганизмлар билан ифлослантиради. Шунинг учун биз нафас олаётган ҳавони тоза деб бўлмайди.

Тоза ҳаводан нафас олиш учун нима қилиш керак? Бу жуда осон!

Деразангиз ёнида дарахт экиб қўйинг, у ўпкангизни кўча чангидан ва зарарли газлардан сақлайди.

Хонада гул парвариш қилинг, улар карбонат ангидриди ва зарарли микроорганизмларни ютиб, хона ҳавосини тозалайди.

Кўча ва уйда тозалikka риоя қилинг, чанг пайдо бўлишига қарши курашинг. Шундагина сиз нафас оладиган ҳаво анча тоза бўлади.



# СҶУҒУИ САҲИФА

## Топишмоқлар / Загадки

Тўртдир унинг оёғи,  
Темир михли туёғи.  
Манзилга етиштирар,  
Тошдан қаттиқ туёғи.

(от)

Кичкина қумғон  
Ўтириб кўзини юмган.

(мушук)

Без окон, без дверей,  
Полна горница людей

(гана)

Сто одежек и все без  
застежек

(лук)

## Шеърлар / Стихи

### Читтак

Мен қушчамаман кичкина,  
Тилларим чучуқкина.  
Ола чипор қанотим,  
Билсангиз-читтак отим.

### Нилуфар

Сув бетида қалқийсан,  
Кўрганимда ҳар сафар,  
Имлаб менга не дейсан,  
Сариқ гулим нилуфар?  
- Не дердим, кел яқинроқ,  
Қўн устимга, болари.  
Сенга аталган, ўртоқ,  
Гулим, асалим бари.

### Раим Фархади


Где воробышка?  
Воробышка шустрый где?  
Бедный, прячется в гнезде.  
Прыгал воробей по лужам  
И теперь лежит простужен.

### Воспитанный слоненок

Не заносчив,  
Учтив этот маленький слон,  
Не грубит ни моржам,  
ни пантерам.  
Никогда не подводит  
родителей он:  
Он обучен хорошим манерам.

Ушбу мушукчалар  
орасидаги 10 та  
фарқни топинг

Найдите 10 отличий



ПОСЛЕДНЯЯ СТРАНИЧКА